

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

М. М. ИНАГАМОВА

АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ: ГЕНЕЗИСИ ВА  
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

М а с ъ у л м у х а р р и р :  
Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва  
маърифат миллий маркази бўлим бошлиғи  
юридик фанлар доктори **Г. А. Маткаримова**

ТОШКЕНТ – 2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*  
*Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

*Тақризчилар:*

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси  
раисининг ўринбосари **О. А. Парпиева**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси  
юримдик фанлар номзоди **Г. С. Тастанбекова**

**Инагамова М.**

И 58 **Аёл ҳуқуқлари: генезиси ва ҳозирги ҳолати: Ўқув**  
қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
2016. – 67 б.

Мазкур қўлланмада аёл ҳуқуқларининг илк тарихий кўринишлари, шаклланиш босқичлари, Шарқ алломаларининг асарларидаги аёл ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид қимматли фикр-мулоҳазалари, шунингдек мустақил Ўзбекистонда аёллар ва уларга берилган имтиёзлар ҳамда уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки масалалари атрофлича ёритилган ҳамда хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қонунчилиги билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, талабалари, шу соҳада изланишлар олиб бораётган илмий ходимлар ҳамда мавзуга қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**ББК 67.91я73**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республикамизда қисқа давр ичида жуда кўп сифат ўзгаришлари содир бўлдики, булар иқтисодда, ижтимоий жараёнларда ва айниқса, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеида ўз ифодасини топиб бормоқда. Шу боис ҳам ҳозирги давр аёлининг оила ва жамиятдаги мавқеини тўғри тушуниб, уни англаш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «оқила гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турибдилар». Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз аёлларининг жамиятни, давлатни бошқаришдаги билимлари, ақлу заковати, фаҳму фаросати ва имкониятларига ишончнинг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланиши, уларнинг жамият сиёсий ва маданий қатламидаги иштироки, аёллар ҳуқуқлари камситилишига қарши кўриладиган чора-тадбирлар мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ ўз аксини топмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг 51,7 фоизини аёллар ташкил этади ва ҳозирги кунда хотин-қизлар жамият тараққиётининг

қудратли омилига айланган. Бинобарин, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш борасида бир қатор муҳим қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани бежиз эмас. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларида, шунингдек бошқа қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси» (СЕДАW)га қўшилди. 1995 йилда «Тинчлик, тараққиёт ва тенглик» шиори остида Пекин шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон хотин-қизларининг конференциясида мамлакатимиз хотин-қизлари вакиллари иштирок этиб, хотин-қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин декларацияси Платформасига қўшилдилар, шу асосда республика аёлларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги норматив-ҳуқуқий ва дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқдалар. Улар фаол меҳнат ресурсларининг 45,1 фоизини ташкил этиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида етарли мавқега эгадирлар, ҳатто мудофаа, жамоат тартибини сақлаш каби эркакларнинг анъанавий касблари тармоқларига ҳам кириб бормоқдалар.

Хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун ижтимоий-маънавий муҳит яратилмоқда.

Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизлар бошқарув тизимида ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз қонуний ўрнини эгаллашга эришишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга моликдир. Бунда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат но-тижорат хотин-қизлар ташкилотларининг ўрнини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Чунки, ана шундай жамоат ташкилотлари хотин-қизлар муаммоларини чуқурроқ ўрганадилар, таҳлил қилиб тегишли ёрдам кўрсатадилар. Фуқаролик жамиятининг асосий элементларидан бири ҳам ана шунда намоён бўлади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Аёлларнинг нияти холис, юраги, қалби тоза. Чиндан ҳам энг кўп меҳнат қиладиган, оилани энг севадиган, оилани ҳақиқий оила, эркакларни эркак қиладиган ҳам аёлларимиздир»<sup>1</sup>.

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам, аслида, мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон хотин-қизларининг миллатидан қатъи назар, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси сифатида мавқелари мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён узлуксиз давом этишига етарли ҳуқуқий замин яратилган.

---

<sup>1</sup> *И.А.Каримов*. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 230.

*I боб.*

## **ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ ҲАМДА ИСЛОМ ДИНИДА АЁЛ ВА ОИЛА МАСАЛАСИ**

### **1-§. Шарқ алломаларининг асарларида аёл ҳуқуқлари масаласи**

Ўрта аср шарқ мутафаккирларидан Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Али ибн Синонинг «Ахлоқ», «Оила қурилиши», Абдурауф Фитратнинг «Оила» асарларида, шунингдек X–XV асрларда яшаб ўтган Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий ва бошқа бир қатор алломаларнинг комил инсон тарбияси билан боғлиқ қарашларида ҳам хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор берилган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг илмли, ҳар жиҳатдан юксак ахлоқ-одоб эгаси бўлишлари учун зиёлилар орасида жиддий ҳаракат авж олади. Зеро, оилада болалар, яъни ёш авлод тарбияси асосан оналар қўлида экани ҳаммага аён бўлиб қолган эди. Таъкидлаш жоизки, илғор, зиёли аёллар нафақат қизлар мактабларини очиб мактабдорлик қилиш, балки ахлоқий-тарбиявий рисолалар ёзиш орқали ҳам бўлажак зиёли оналарни вояга етказишга ҳисса қўшадилар.

Шу жиҳатдан қараганда, Олимат ул-Банотнинг Санкт-Петербургда 1898 ва 1899 йилларда икки марта нашр этилган «Муошарат одоби» («Турмуш одоби») асари ўз даврида катта маданий воқеа бўлган эди. Муаллиф таъкидлагидек, «агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шакл-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади...»<sup>1</sup>.

Рисолада аёлларнинг турмушдаги ўрни, оилавий вазифалари, эр-хотин орасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, уй тутиш, никоҳ ва

---

<sup>1</sup> *Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. – Т.: Меҳнат, 1991. – Б. 6.*

муҳаббат борасида фикрлар билдирилади. Айни пайтда, уй хизматчиларига муносабатда инсоф ва адолат юзасидан, уларнинг ҳам уй эгаларига ўхшаш инсон эканликларини ҳисобга олиб иш кўриш лозимлиги таъкидланади, турмушнинг оқилона уюштирилиши учун хизмат қиладиган ибратли маслаҳатлар берилади.

Демак, аёл аслида оила бахт-саодати таянчи, фарзандлар тарбиясини амалга оширишда синалган кўмакчидир. Муошарат одоби (турмуш одоби) туфайли оила бахт-саодатга эришади, тарбияси маъқул фарзандлардан улуғ зотлар етишиб чиқади.

Ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тарихида биринчилардан бўлиб аёлнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида рисола ёзган Абу Али ибн Сино «аёл киши оилада эрига муносиб, ҳаётда содиқ ҳамкор бўлмоғи даркор»<sup>1</sup>, деган фикрни келтириб ўтган. Аллома аёл фозил бўлиши учун ўн етти фазилат соҳибаси бўлиши лозимлигини таъкидлайди ва мазкур фазилатлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади: 1) оқила ва иймон-эътиқодлилиқ; 2) шарм-хаёли ва ор-номусли бўлиш; 3) зийраклик ва фаросатлилиқ; 4) ёқимтойлиқ; 5) эрига меҳр-муҳаббатли бўлиш; 6) садоқат; 7) бетга чопар бўлмаслиқ; 8) эзма, вайсақи бўлмаслиқ; 9) итоаткорлиқ; 10) дили поклик; 11) эри орқасидан ғийбат қилмаслиқ; 12) покизалиқ; 13) вазминлиқ; 14) жиддий ва улуғворлик; 15) эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла олиш; 16) меҳрибонлиқ; 17) иродали ва сабр-тоқатли бўлиш.

XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган маърифатпарвар аждодларимиз хотин-қизлар масаласига ёндашишда туб бурилиш ясадилар. Улар жамиятнинг янгиланишида, барча ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларда аёлларнинг ролини оширишни тарғиб қилдилар. Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний<sup>2</sup> каби тараққийпарвар алломаларимиз ижодида хотин-қизлар тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни каби масалалар ўз давридан келиб чиқиб таҳлил этилди. Масалан, Абдурауф Фитрат «Оила» асарида «аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги миллий озодлик, эрк учун зарур: аёллар фақат уй-рўзғор, бола тарбияси билан

---

<sup>1</sup> Цитата манбаи: Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002.

<sup>2</sup> Қаранг: Авлоний А. Ўсон миллат. – Т.: Шарқ, 1993. – Б. 94.

банд бўлиб қолмаслиги, уларнинг Европадаги каби сиёсатда қатнашишлари ўринлидир»<sup>1</sup>, деган фикрларни илгари суради.

Умуман олганда, Фитратнинг «Оила» китобида амалий ахлоқ билан ахлоқ назарияси муаммолари уйғунлашиб кетган. Уни ўқиган инсон нафақат ахлоқий фазилатлар нималиги, уларга қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис тарихдан бизга маълум бўлган жаҳидчилик ҳаракатининг улкан вакили Абдурауф Фитратнинг «Оила» асари Туркистон миллий уйғонишида бениҳоя катта роль ўйнади, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда, у бугунги кунга келиб ҳам ўз қимматини йўқотмаган ажойиб ахлоқий-маърифий рисола сифатида алоҳида эътиборга молик.

Бу борда фикр юритилганда, Туркистон маърифатчиларининг яна бир йирик намояндаси Дилшоди Барнонинг шогирди Анбар отин (1870–1914)нинг қарашларини ҳам эслаб этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро Анбар отин ҳам инсоннинг ахлоқий ривожланиш даражасини унинг ақли, илму маърифати билан боғлаган ҳолда, ижтимоий тараққиётга ақлий ва ахлоқий юксалиш орқали эришиш мумкинлигини уқдиради. Анбар отин мазкур қарашларини омма онгига ўзининг асарлари орқали сингдиришга ҳаракат қилиб, у ўзининг асарларида жамият ахлоқсизлик ботқоғига ботиб бораётганлигини, шариат ва тариқат намояндалари айниб кетаётганлигини, бойлардан инсоф кўтарилганлигини ёзиб, мазкур иллатларни мардонавор тарзда танқид қилишга эришган<sup>2</sup>.

Анбар отин ўзининг рисоласида ўша давр аёлларининг ижтимоий аҳволини таҳлил қилиб, турли камситиш ва хўрлашлар натижасида ўз иқтидори, истеъдоди, латофатини намоён қила олмай дунёдан ўтиб бораётганликларини ачиниш ва алам билан қайд этади. Анбар отиннинг қайд этишича, ўша давр аёллари ҳатто кўча-кўйга зарурат юзасидан, масалан, қариндош-уруғларини кўргани бориш учун чиққанларида, эски паранжига ўраниб, кампирлар каби бук-

---

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. Оила. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 60.

<sup>2</sup> *Анбар Отин*. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом, 1970. – Б. 84.



чайиб юрганлар. Чунки, агар қаддини тик тутиб, ёки очилиб-сочилиб юрсалар, уларга эркаклар тажовуз қилиши мумкин бўлган. Бундай ахлоқсизликнинг илдизи ижтимоий тенгсизликка бориб тақалган: яъни иқтисодий томондан ночор бўлганлиги туфайли уйланиш имконига эга бўлмаган эркаклар шайтон васвасасига учиб, шахвоний нафсларини тиёлмай қолганлар.

Ҳолбуки, тараққийпарвар шоира бу ижтимоий-ахлоқий иллатлар, албатта вақтинчалик бўлиб, ўтиб кетади ва хурлик, тенглик замонлари келади деган фикрларни илгари суриб, келажакка катта ишонч қараган ҳамда бу бўйича ўзининг теран фикрларини қуйидагича баён этган: «Бир замони бўлурки, камина муштипар каби олижаноб орзу қилгондан зиёда бўлур... Ул вақт қизлар илми дунёвий таҳсилига муяссар бўлуб, урфон тахтида қарор топиб, эллар ва улуғлар сафига дохил бўлурлар, алар хайрат ва меҳнатда эрларга ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромга сазовор бўлурлар»<sup>1</sup>.

Аёл ҳуқуқлари масаласида қалам тебратган яна бир Шарқ алломаси сифатида татар миллатига мансуб зиёли аёл Фахр ул-Банот Сибғатуллоҳ қизини келтириб ўтиш мумкин. У ўзининг 1913 йилда ёзиб қолдирган «Оила сабоқлари» рисоласида тарбиянинг турли томонларини бирваракай ўз ичига оладиган 87 та қисм (сабоқ)га ажратиб, уларни маълум бир мезонлар асосида тизимлаштиртиб чиққан. Ахлоқшунос олима ўз рисоласига баҳо бериб, уни хонимларга, қизлар мактабида таҳсил олаётган шогирдларига оиладаги вазифаларини ўрганишлари учун фойдали маълумотлар бериши билан бирга, улар учун осон тушуниладиган ахлоқ сабоғи вазифасини ҳам ўтайди дейди. У 12-сабоқ (қисм)да тарбияни «илми ахлоқнинг тани, негизи», деб таърифлайди. Асар фалсафий мушоҳадалардан кўра кўпроқ амалий кўрсатмалардан иборат тарзда ёзилган. Айни пайтда унда ҳам маънавиятга, ҳам моддиятга замонавий муносабат масаласи ўртага ташланиб, юксак ахлоқли фарзандни вояга етказишда ҳар икки йўналишдаги тарбиянинг муҳимлиги таъкидланади. Бу эса мазкур асарнинг маънавий қимматини янада оширишга хизмат қилган.

---

<sup>1</sup> Ўша манба – Б. 84.

Шу ўринда таъидлаш жоизки, тарихимиздан бизга маълум бўлган «Жадидчилик» ҳаракатининг номоёндалари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби алломаларимиз уйғониш даврининг буюк намояндалари сифатида ўз бадий асарларида ҳамманинг диққат марказини ахлоқ муаммоларига қаратганликлари таҳсинга сазовордир. Чунки уларнинг фикрича, ўша даврда ечимини кутаётган ва ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим ҳаётий масалалар жамиятнинг деярли ярмини ташкил қилувчи аёллар билан боғлиқ бўлган.

«Жадидчилик» ҳаракатининг номоёндалари маърифатчиликни асосан уч соҳада – *маориф* (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), *санъат* (бадий адабиёт, театр) ва *матбуот* – орқали жадал тараққий этиб боришини назарда тутди. Мазкур қарашларнинг пировард мақсади сифатида – *биринчидан*, миллатни илмли, маърифатли қилиш бўлса, *иккинчидан*, унинг ахлоқий даражасини юксалтиришда кўради. Қолаверса, уларнинг фикрича, ўз қадрини англаган комил инсонни вояга етказишга ана шу икки жиҳатни уйғунлаштириш орқали эришилиши мумкинлигини асослашга уринишади.

Шу билан бирга, улар хотин-қизларнинг аҳволини узоқ асрлардан буён давом этиб келаётган анъаналар ва ислом қонунлари белгилаб беришини ҳисобга олдилар. Жадидлар оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни мукамал тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир-оқибатда миллат тақдири оиланинг ҳолатига боғлиқ, деган фикрни билдирадилар.

Мазкур фикрлар ўша даврларда яшаб ижод қилган маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг «Оила» асарида ҳам кўллаб қувватланганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида Абдурауф Фитратнинг «ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва

миллат ҳам кучли ва тартибли бўлади»<sup>1</sup>деган фикрларини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Умуман олганда, юқорида номлари зикр этилган бу буюк алломалар халқнинг анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларини диний нуқтаи назардан таҳлил қилишиб, ўз асарларида айрим ҳуқуқий нормаларни маҳаллий шароит билан мувофиқлаштиришга интиланлар<sup>2</sup> ҳамда мазкур фикрлар уларнинг амалий ҳаракатларида ҳам номоён бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Шарқ аломалари ўзларининг асарларида аёлларнинг оила, жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ҳамда давлат бошқарувидаги иштироки ва сиёсий фаоллигини ошириш бўйича бир қатор фикрларини билдириб ўтиб, мазкур масалада ўзларининг дастбалки қадамларини ташлашга муваффақ бўлишган. Бугунги кунга келиб, Республикамизда мазкур фикрлар амалда тўлақонли ўз ифодасини топганлиги барчамизга сир эмас.

## **2-§. Ислом дини ва исломий қадриятлар: шариат, аёл, оила**

Миллатнинг равнақ топишида тарихан шаклланган миллий ва диний қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий қадриятлар, аввало, ҳар бир миллатнинг ифтихори, фахри, шу билан бирга, маънавий мероснинг пойдевори ҳамдир. Ислом дини, исломий қадриятлар, шариат ва уларда барҳаёт бўлган аёл ва оила масаласида сўз юритишдан аввал мазкур масалалар бўйича уларнинг келиб чиқиш тарихига қисқача тўхталиб ўтиш фикримизча, бу жараёни тасаввур қилиш ва солиштириш имкониятини янада бойитади.

Мамлакатимиз худудларида тарихдан мавжуд бўлган давлат тузилмаларида ислом дини кириб келганидан сўнг аёлларнинг оилада, жамиятдаги ўрни маълум бир маънода мустаҳкамланган

---

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. Оила. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 60.

<sup>2</sup> *Муқимов З.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2003. – Б. 112.

десак муболаға бўлмайди. Чунки ушбу диний тизимнинг устунлигига ишонтириш, уни тарғиб этиш усулига ўтилиб, маҳаллий аҳоли орасида ислом дини қурол кучи билан эмас, балки ишонтириш орқали сингдирилишига эришилганлиги сир эмас<sup>1</sup>.

Ислом дини нафақат аёлларнинг жамиятдаги нуфузини, балки уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамланишига ҳам замин яратди. Унинг кириб келишигача бўлган даврларда аёллар ҳуқуқлари деярли батамом чекланиб, яшаш имконияти ҳам чегараланган<sup>2</sup>.

Ислом таълимоти аёлни ҳаётнинг барча жабҳаларида: илм олиш, меҳнат қилиш, мерос ҳуқуқи, жамият тараққиётида фаол қатнашишда эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилган. Ҳадисларда «илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор», деган машҳур ҳикмат бор. Аёл киши нафақат таълим олиш, хутба ва ваъз эшитишга ҳақли, балки дарс бериш, ижод қилиш, илмий ишлар билан шуғулланиш ҳуқуқига ҳам эга. Кўплаб муслима аёллар илм-фан ва маданият соҳасида улкан ютуқларга эришганликлари, жамият, сиёсат соҳаларида ҳам ўз фикрига эга бўлганликлари мазкур фикрнинг қай даражада тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Муқаддас Ҳадиси шарифда ҳам аёлларнинг эъзозланганлигини унда ёзилган қуйидаги фикрлар мисолида кўриш мумкин: «Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни тавсия этади. Чунки улар оналарингиз, қизларингиз, холаларингиздир», «Тангри назарида бандаларнинг энг яхшиси аҳли аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир», «Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига хушмуомалада бўлганингиздир».

Шунингдек, аёлларга эркаклар ўз туғишганлари каби муносабатда бўлишлари кераклиги уқтирилади ва аёлларни муқаддас ҳисоблаб, «жаннат оналар оёғи остидадир» деб битилади.

Таниқли мутафаккир Ризоуддин ибн Фахруддин аёллар ҳақида қуйидагича фикрларни ёзиб қолдирган: «Оиланинг асл устунни хотиндир. Хотинлар ислом динида ҳурматли бўлиб, уларга риоя этувчи

---

<sup>1</sup> Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2003. – Б. 66.

<sup>2</sup> Бу ҳақда батафсил: Саидбаев Т. С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. –М., 1978. – С. 18–20.

эрлар ҳам энг хурматли эрлардир. Бир инсон нақадар бой, баланд мартаба соҳиби бўлса-да, унинг тарбияли хотини бўлмаса, у бахтли эмас. Зеро, бахт – оиласи ичида роҳатли умр кўрмоқдан иборат бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон оила ташқарисида ҳам роҳат кўролмас».

Оила, никоҳ<sup>1</sup>, мерос муносабатларига ислом дини ғоят катта таъсир кўрсатган. Мусулмон халқлар турмушининг ўзига хос хусусияти шундаки, ислом аёлларнинг кадр-қимматини юксак даражага кўтариши билан бирга, никоҳсиз яшашни ҳам ман этади.

Исломда оила, никоҳ ва мерос масалаларига бошқа динлардагига қараганда жуда катта эътибор берилади, бу масалалар шариатнинг энг катта қисмини ташкил этади.

***Шариат ва одат бўйича никоҳ.*** Шариатда никоҳ муқаддас ҳисобланади. Шариат бўйича никоҳ шартнома хусусиятига эга бўлиб, оғзаки келишувга асосланган. Мазкур келишув қайси бир маънода ўзининг шартларига кўра олди-сотди шартномасига ўхшаб кетган. Чунки, бир томондан шартноманинг предмети – келин, иккинчи томондан – сотиб олувчи сифатида куёв қатнашиб, келинга белгиланган маълум баҳони, яъни шартноманинг асосий шарти ҳисобланган тўлов – қалин<sup>2</sup> ва маҳр<sup>3</sup> тўлашга мажбур бўлган. Мазкур тўловнинг тўланмаслиги никоҳ шартномасининг тузилмаслигига олиб келган.

1917 йилдаги давлат тўнтаришига қадар Туркистонда мусулмонлар ўртасида никоҳ қилинаётганда, чинакам олди-сотдига айланиб, келин томон қалинни иложи борича кўпроқ олишга, куёв эса, аксинча, бериладиган қалинни камайтиришга ҳаракат қилишганлиги юқоридаги фикрларнинг исботи бўлади.

---

<sup>1</sup> «Никоҳ» (арабча – уйланиш) – эркак ва аёлнинг оила қуришининг тарихан шаклланган ва қонун билан дин томонидан мустаҳкамланган ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этишга асосланган моногам никоҳ ўрнатилган // Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 328.

<sup>2</sup> *Қалин* – келинга, унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, васийларига пул, мол ёки бошқа мулк шаклида тўланадиган ҳақ.

<sup>3</sup> *Маҳр* – никоҳ аҳди тузилиши жараёнида эр томонидан ўз мулкидан хотинига берилиши лозим бўлган уй-жой, турмуш учун зарур бўлган ашёлар.

Таниқли мутафаккир Бурхониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя» асарида никоҳнинг тушунчаси берилиб, қуйидаги фикрлар келтириб ўтилган: “Никоҳ – бола туғилишини қонунлаштириш мақсадида тузилган хусусий битимнинг алоҳида тури бўлиб, у бир томон – эркакнинг оғзаки таклифи, иккинчи томон – аёлнинг бу таклифни қабул қилиши билан тузилади».

Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларидан бири эрининг аёлига маҳр беришидир. Маҳрнинг муқаррарлиги ҳар икки томонни ҳам никоҳдан ажралишдан ўзини тийишга кафолат бўлиб хизмат қилган.

Маҳр – аёлнинг ўзини эрига бахшида қилгани эвазига оладиган моддий бойликдан иборат. Маҳр бериш қонидаси ҳозирги замон мусулмон давлатларида никоҳ ҳадяси сифатида сақланган. Маҳр бериш аёлни уй-жой, алоҳида мулк ва мерос олиш ҳуқуқи билан таъминлашдир. У аёлнинг хусусий мулки бўлиб, эри талоқ қилган тақдирда унинг моддий таъминотсиз қолмаслигига хизмат қилган. Никоҳ аёлнинг талаби билан бекор қилинган ҳоллардагина у маҳрдан маҳрум бўлади.

Маҳр – никоҳ тузишнинг асосий шартларидан бўлиб, маҳрсиз никоҳ тузилмаган. У маҳаллий урф-одат бўйича барча ҳудудларда турлича кўринишга эга бўлган. Масалан, Тошкентда эркак бўлажак хотинига маҳр тариқасида бир уй ва бир даҳлизни тегишли ҳовли сатҳи билан бериши белгиланган.

Аёлларни «сотиб олиш» билан никоҳланиш тартиби исломдан аввал ҳам мавжуд бўлган. Тарихимиздан бизга маълум бўлган Араб истелоси давридан қолиб кетган ёзилмаган урф-одатлар, шу жумладан, аёлни «сотиб олиш» билан никоҳланиш ҳам Шарқ давлатларида жуда кенг тарқалиб, айрим даврларда ҳатто ҳуқуқий норма сифатида ҳам амалда бўлган. «Келинни сотиб олиш» рамзи сифатида унга олтин ёки кумуш сирға ва узук бериш каби урф-одатни ҳатто римлик фуқаролар ҳам қабул қилиб олганлар.

Шариат бўйича, никоҳ шартномаси бошқа шартномалардан фарқ қилган. Чунки унинг муддати чексиз бўлиб, бир умрга тузилган. Агар

никоҳ аҳдида муддатли шартларга – маълум ҳафта, ой ёки йилга – йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ҳақиқий ҳисобланмаган<sup>1</sup>.

Шариатда никоҳнинг шартнома хусусиятига эгаллиги, айниқса, никоҳдан ўтиш шартларида кўринади. Шариат бўйича никоҳдан ўтувчи томонларнинг бир қанча шартларга риоя қилиши талаб этилган.

**Биринчи шарт – никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розилиги.** Шариат қоидаларига кўра, никоҳ шартномасини тузишда эр-хотин бўлиш учун бошқа шахслар томонидан ҳеч қандай мажбурлаш бўлиши мумкин эмас, шунингдек никоҳдан ўтувчиларнинг бири иккинчисига таъсир кўрсатишига ҳам йўл қўйилмайди.

Аммо шариатда бу мазкур қоидага ҳар доим ҳам амал қилинмаган. Чунки ҳар бир вояга етган қизнинг турмушга чиқиши мажбурий ҳисобланган ва мазкур қоида бу жараёнда бўшлиқларни юзага келишига замин яратган. Қолаверса, вояга етган қизларнинг ёлғиз яшашига таъқиқлар қўйилиб, албатта, турмуш қуриб, никоҳ муносабатида бўлиши лозим саналган. Мазкур қоидалар замирида ёшларнинг муомалага лаёқатсизлиги ёки никоҳга қаршилиги уни тузишга тўсиқ бўла олмаган.

Шариат бўйича, никоҳдан ўтишда турмуш қураётганларнинг розилигини олиш маросими жуда қизиқ бўлган. Бу жараён никоҳ тўйидан бир неча кун олдин келиннинг уйида, маҳаллий урф-одатларга кўра расмийлаштирилган. У бўлажак куёв ва келиннинг икки гувоҳ ҳамда дин вакили иштирокида амалга оширилган. Шариат келиндан розилигини аниқ баён этишини талаб қилмаган. Унинг сукут сақлаши, ҳатто йиғлаши ҳам розилик аломати деб тушунилган. Ана шу «розилик» никоҳ шартномасини тузиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланган.

Никоҳдан ўтувчиларнинг ота-оналари никоҳ шартномасининг ҳамма бандлари бўйича ўзаро келишиб олганларидан сўнг ёш турмуш қурувчилар номигагина «розилик» билдиришлари кифоя бўлган.

---

<sup>1</sup> Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 35.

Никоҳ шартларини бузганлик учун жуда енгил жазо чоралари татбиқ этилган. Никоҳдан мажбурлаб ўтказганлик учун айбдор кишилар аниқланган тақдирда улар қози томонидан жазоланиб, бир кунга зиндонга ташланган ёки бир неча моддий қимматлик ҳажмида жарима солинган.

***Иккинчи шарт – никоҳ ёшига тўлиш.*** Шариат бўйича, никоҳ ёши ўғил болалар учун 12 ва қизлар учун 9 ёш қилиб белгиланган. Бунда ўғил болалар жинсий жиҳатдан вояга етганлиги ҳисобга олинган ва юқорида кўрсатиб ўтилган никоҳ ёши ўша вақтларда вояга етганликни белгилаш ёши бўлиб ҳисобланган.

Ҳолбуки, амалда ўғил болалар 14, қизлар эса 12 ёшга тўлганларида улар орасида никоҳ тузилган. Айрим ҳудудларда оилада 20 яшар «бўйдоқ» бўлиши иснод ҳисобланган. Мазкур қоида ҳеч қайси ҳуқуқий манбада тартибга солинмаган бўлсада, урф сифатида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаверган.

Шариатда эса никоҳ ёши чегараси аниқ белгилаб берилмасдан, уни аниқлашда асосан физиология қоидаларига таянилган. Турмуш қурувчиларнинг ақлий жиҳатдан етарли ривожланмаганлиги, ёшлиги аҳамиятга эга бўлмаган. Ваҳоланки, қизларнинг жуда ёш турмушга чиқишлари уларнинг соғлиғи ёмонлашишига ва келин бўлиб тушган оилага қарам бўлиб қолишига олиб келган.

Қизларнинг чиниқмаган нозик организми бундай ёшда оғир мажбуриятларни бажариш учун тайёр бўлмаган ва аксарият ҳолатларда хомилани барвақт туғиш, ногирон фарзандни дунёга келтириш ва турли касалликларга чалиниш каби кўнгилсиз оқибатлар юзага келган.

Келин учун белгиланган қалинни ўғилнинг ота-онаси у ҳали ёш пайтидан қизнинг қариндошларига тўлаб борган. Куёв ва келин никоҳ ёшига тўлганларидан сўнг, ота-оналари уларни розилигисиз фотиҳа қилинганликларини исботлаб, келишилган никоҳдан воз кечишлари мумкин эди. Келишилган қалинни куёвнинг ота-онаси тўйгача тўлаб улгурмаган бўлса ёки келиннинг ота-онаси иқтисодий жиҳатдан бадавлатроқ куёв топса, фотиҳа ўз кучини йўқотиб, олинган қалин қайтарилиши лозим эди.



Ота-оналарнинг болалар номидан тузган никоҳ аҳди бўйича шикоятлар ўринсиз деб топилиб, ота-оналарнинг қарори шариат судлари (қозилар) томонидан ҳимоя қилинган.

**Учинчи шарт – никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш.** Шариат бўйича, никоҳ аҳдини тузиш вақтида, икки кишининг гувоҳлиги талаб этилган, чунки шариат бўйича, икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенглаштирилган. Шариат қоидалари бўйича, муомалага лаёқатли бўлиш учун эркаклар 15 ёшга, аёллар эса – 9 ёшга тўлиши етарли ҳисобланган.

Агар мусулмон одам насроний (христиан) ёки яҳудий билан никоҳдан ўтса, бундай ҳолда, насроний ёки яҳудий динидаги одам гувоҳликка ўтиши мумкин бўлган. Гувоҳлик жалб этилган шахслар никоҳ аҳдини тузувчиларнинг ўзаро розилигини шахсан ўзлари бир вақтнинг ўзида эшитган бўлишлари талаб қилинган.

**Тўртинчи шарт – келин учун қалин ва маҳр тўлаш.** Шариат бўйича, никоҳ аҳдини тузишнинг навбатдаги шарти қалинни тўлаш ва ажратилган маҳрни беришдан иборат бўлган. Бусиз никоҳ ҳақиқий эмас, деб саналган. Қалинни тўлагач, никоҳ аҳдини тузиш келиннинг ота-онаси учун муайян фойда келтириб, камбағал оиладаги куёвнинг иқтисодий аҳволига жуда оғир таъсир этган.

Маҳр куёв томонидан келинга берилиб, уй-жой ва турмуш учун зарур бўлган ашёлардан иборат бўлган. Ҳар бир жойда маҳр ҳар хил шаклда ифодаланган. Аммо унинг энг кам миқдори белгиланиб, бериладиган ашёларнинг нархи мазкур ҳажмдан кам бўлмаслиги лозим бўлиб, унинг юқори чегараси белгиланмаган. Масалан, Тошкентдаги одат бўйича, шароитга қараб, маҳр бир уй ва бир даҳлиз, ҳовли саҳни, унга қарашли қурилмалар ёки бир хона уй ва даҳлиздан иборат бўлган. Бошқа шаҳар ва маҳаллий жойларда, у ернинг одати бўйича, шу ҳажмдаги пул ёки ҳар-хил шаклдаги мулклар билан белгиланган, аммо бундан кўпи чекланмаган. Бунда агарда эр-хотин ажрашиб, иккинчи марта никоҳдан ўтсалар, қалин тўланмаган.

Шундай қилиб, ким кўп қалин тўлаб, маҳр ажратса, у қизнинг эгаси саналиб, ўша кишига турмушга чиқишга мажбур бўлган. Қалин бевосита келиннинг отаси тасарруфига тушиб, келиннинг қалинга ҳеч

қандай ҳақи бўлмаган, маҳр эса, бевосита келиннинг шахсий мулки ҳисобланган<sup>1</sup>.

**Бешинчи шарт – диний эътиқод бирлиги.** Шариат бўйича, фақат ислом динига мансуб шахсларгина ўзаро никоҳ туза олганлар.

Ислом динига эътиқод қилувчи эр кўп худоликка, бутпарастликка эътиқод қилувчи ёки умуман ҳеч қандай динга мансуб бўлмаган аёл билан никоҳ тузиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Агар насроний ёки яҳудий шахс ислом динини қабул қилса, мусулмон бўлгач никоҳ аҳдини туза олган. Шариат бўйича, ҳатто эр-хотиндан бирининг исломга хиёнат қилиши (бошқа динни қабул қилиши, диндан умуман воз кечиши ва бошқ.) никоҳнинг бузилишига олиб келган.

Агар эр ёки хотин бошқа динга кириб, мусулмонликдан чиқса, никоҳ бекор қилинган ва улар ўртасидаги ҳамма муносабатлар тўхтатилган. Агар исломга нисбатан хоинлик эр томонидан содир этилса, у хотинига маҳр бериш ва идда, яъни ҳомиладорликни аниқаш учун белгиланган 4 ойлик муддат вақтида нафақа тўлашдан озод этилмаган. Агар хоинлик хотин томонидан содир этилса, идда вақтида нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

**Олтинчи шарт – никоҳдан ўтаётганларнинг яқин қариндош бўлмаслиги.** Мовароуннаҳрда исломга қадар никоҳ муносабатлари тийиқсиз ва тартибсиз шаклларда намоён бўлган. Ислом никоҳ тузиш учун тўсиқ бўладиган қариндошчилик даражасини белгилаган. Шариат яқин қариндошлар ёки кўкалдошлар (бир онани эмиб катта бўлганлар)нинг никоҳини ман этган. Эркакларга яқин қариндошлари, туғишганлари билан никоҳдан ўтиш тақиқланган.

**Еттинчи шарт – табақа бўйича тенглик.** Никоҳ аҳдини тузишда талаб қилинадиган шартлардан бири уларнинг табақа бўйича тенг бўлишлари саналган. Яъни, никоҳ чинакамига тенг бўлиши учун «кафолат» – никоҳга кирувчи шахслар уруғи, қариндошлиги бўйича ва унвонларда тенг бўлиши лозим бўлган. Бунда асосан инсонлар икки – «оқсуяклар» (олий табақа, зодагон) ва «қорасуяклар» (паст

---

<sup>1</sup> *Наливкин В.* Конспект лекций по истории ислама и мусульманского право. Ч. 1. – М., 1908. – С. 61.

табақа, авом халқ) каби табақаларга ажратилган. Олий табақадаги аёл паст табақадаги эркакка турмушга чиқиши мумкин бўлмаган.

Аксинча, олий табақадаги эркак ҳар қандай табақадаги аёлга уйланиши мумкин эди. Олий табақадаги (оқсуяк) аёл паст табақадаги (қорасуяк) эркакка турмушга чиқса, оқсуякликдаги имтиёзларини йўқотган ва натижада одамлардан лаънатлар эшитганлар.

Агар қиз ўз табақасидан пастроқ табақадаги йигитга турмушга чиқиб, ундан фарзанд кўрмаса, унинг васийлари никоҳни бекор қилиш масаласини қўйиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

**Саккизинчи шарт – никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши.** Шариат бўйича, никоҳ аҳдини тузувчи томонлар руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши лозим. Ақлдан озган шахс билан тузилган никоҳ аҳди ҳақиқий ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган шартларга риоя қилиниб тузилган никоҳгина қонуний ҳисобланган ва бунда тарафлар тўлақонли равишда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминлаганлар.

Шариат бўйича, эркаклар бир вақтнинг ўзида бир қанча хотин олишлари, аммо уларнинг сони тўрттадан ошмаслиги шарт бўлган. Хотини ҳаёт вақтида эркакларга тўла эркинлик берилиб, янги эрхотинлик муносабатларида бўлишларига йўл қўйилган. Бу ҳуқуқдан асосан моддий имкониятлари бор кишилар фойдаланган.

Шундай қилиб, кўп хотинлилик қулдорлик жамиятида ҳам, феодал патриархат тузумида ҳам турли халқлардаги бой-мулкдор синфнинг имтиёзидан иборат бўлган.

Шариат бўйича, аёллар ўзининг жисмоний жиҳатдан камқувват (ожиза) эканлиги ҳамда диний-ахлоқий табиати туфайли никоҳсиз қолиши мумкин бўлмаганлиги сабабли унга албатта кимдир эгалик қилиши лозим бўлган. Муайян ёшгача турмушга чиқмаган аёллар тўғрисида афкор омманинг фикри салбийлигича қолаверган.

Аёллар икки тарафлама, яъни, ижтимоий ва уй рўзғор ташвиши гирдобиди қолиб кетганлар. Эр ҳеч қандай асоссиз, ҳеч қандай жавобгарликсиз, хотинини ҳақоратлаб, калтаклаб, уни тасарруф этиб, нима хоҳласа, шуни қилаверган. Шариат қонунлари ва одат қоида-

лари талабига хилоф равишда аёллар доимий равишда зулм остида ва жаҳолатда сақлаб келинган.

**Шариат ва одат бўйича никоҳдан ажралиш.** Қуръони карим никоҳдан ажралишга (талокқа) йўл қўяди. Талок қилиш ҳуқуқи эркакка берилган. Аммо исломда талок (оила бузилиши) мақсадга мувофиқ иш деб ҳисобланмайди.

Феодализм даврида хотин-қизлар ҳуқуқи биргина шариат нормалари билан тартибга солинар эди<sup>1</sup>.

Шариатдаги ажралиш қонун-қоидаларига кўра, эр томонидан «талок»<sup>2</sup> сўзининг ишлатилиши билан никоҳ бекор бўлган. Талок қўйиш ташаббусидан кўпроқ эркаклар фойдаланишган.

Академик В. Бартольд ана шу хусусиятга эътибор қаратиб, «ажралиш ҳақидаги қоида, мулк ҳақидаги қоидалар бундан мустасно, тўла-тўкис эркаклар фойдасини кўзлаб тузилган»<sup>3</sup>, деб таъкидлайди. Эркак кишига хотинидан қутулиш учун никоҳни бекор қилувчи «талок» сўзини уч маротаба такрорлашнинг ўзи кифоя бўлган, шундан сўнг аёл дарҳол эрининг уйини тарк этиши лозим бўлган. Айни вақтда на ажралишнинг сабабларини тушунтириш, на гувоҳлар керак бўлган.

Никоҳни бекор қилувчи «талок» сўзи ҳазил тариқасида ёки жаҳл устида айтиб юборилган бўлиши ҳам мумкин, бундай ҳоллар эр-хотин ўртасидаги муносабатларда учраб туради. Бунда, агар эркак эс-ҳушига келиб, хотинини қайтариш ниятида бўлса, хотини вақтинча бошқа эркакка турмушга чиқиши, эркак киши билан бирга бўлиши, шундан кейингина эридан ажралиб, биринчи эрига қайтиши мумкин бўлган.

---

<sup>1</sup> «Шариат» (диний-ҳуқуқий тизим) сўзининг умумий маъноси, унинг «ша-ра-а» сўзидан келиб чиққани ҳисобга олинса, тушунарлироқ бўлади. Бу сўз қонунийлаштириш маъносида кўп учрайди.

<sup>2</sup> «Талок» (арабча – озод бўлмоқ, ажралмоқ) – шариатда эр томонидан эълон қилиниб, никоҳнинг бекор қилиниши. Шу билан бирга, аёллар ҳам талок талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шариатда иккинчи талокдан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилган, учинчи талокдан кейин эса бунга йўл қўйилмаган // Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 420.

<sup>3</sup> Бартольд В. Асарлар. VI жилд. – М., 1966. – Б. 103.

«Воситачи» эркакни излаш ва унинг «хизмат ҳақи»ни тўлаш билан эр шуғулланган. «Воситачи» эркак вақтинча олган хотинидан воз кечишдан бош тортган ҳоллар тез-тез учраб турган. Баъзан бу катта оилавий можароларга сабаб бўлган. Ҳатто талоқ қилинган аёл фарзандларини ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлмаган, яъни у фарзандларини эрига қолдириб кетган.

Шунинг учун турмушга чиққан шарқ аёллари ҳамиша «талоқ» бўлишдан хавотирда яшаганлар, деган фикр ўринли бўлмаган. Албатта, эркак ўз хотинидан вафодорликни талаб қилган. Бироқ шариатда аёлни асоссиз зинокорликда айблаш жиноят ҳисобланган. Қуръони каримнинг Нур сурасидаги 4-оятда: «Покиза аёлларни (зинокор деб) бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарга) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар»<sup>1</sup>, дейилган.

Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги 229-оятда талқин этилишича, оила никоҳ тузиш билан тузилиб, агар эр-хотиндан биронтасининг вафот қилишидан бошқа қандайдир сабаблар билан ажралишга тўғри келса, талоқ қилиш билан бузилади.

Аmmo «Ҳалол ва рухсат этилган нарсалар ичида Тангрига хуш келмайдигани – талоқ» ҳисобланган. Шариат қонуни бўйича, эркак ҳамма вақт никоҳни талоқ билан бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Аёл фақат қозининг ҳукми билан никоҳни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига қуйидаги ҳолларда эга бўлган:

– агар эри олти ой муддат давомида хотинини моддий томондан таъминламаса;

– агар эр никоҳ муносабатларида бўлиш қобилиятига эга бўлмаса;

– агар никоҳ болалик вақтида тузилган бўлиб, жинсий балоғатга етгандан кейин ёки маълум ёшга тўлгандан сўнг аёл никоҳда яшашга рози эмаслигини изҳор этса;

– агар эри ислом динидан бошқа динга ўтса.

Никоҳни бекор қилишда ҳам шариат қонунлари аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади – уларнинг обрўсини, уларга бўлган ҳурматни сақлаб қолишни тавсия этади.

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 250.

Шариат ажралишни маданиятли тарзда амалга оширилишининг тарафдори бўлиб, мазкур жараёнда эр-хотин бир-бирларини беҳурмат қилмаслиги лозимлигини, хусусан, аёл кишини бегона кишилар назарида ёмонга чиқармай, ажралганидан сўнг келгусида бошқа эркаклар унга уйланиши мумкинлигини артофлича ўйлаб кўрган ҳолда, аёлга никоҳ сабабли берилган махрни олиб қолмасдан ажралиш кераклигини белгилаб беради ва иложи борича оилани бузмаслик лозимлигини тарғиб қилади.

Никоҳни бекор қилишга «қонуний» асослар бўлгандагина йўл қўйилган шариат бўйича ажралиш «талоқ» сўзи билан белгиланган.

Бу сўзнинг луғавий маъноси «қўйиш», «қўйиб юбориш» демакдир. Қонун тилида бу сўз никоҳдан ажралиш ёки маълум сўзларни айтиш натижасида никоҳ шартномаси ўз қонуний кучини йўқотишдир.

Хотиннинг бевосита иштирокисиз, унга «талоқ» сўзини айтмай, ёзма равишда талоқ эълон қилинишга йўл қўйилган. Бундай ажралиш тўғрисидаги васиқа келиннинг бевосита ўзига ёки унинг отасига ёхуд қозининг қўлига топширилиши лозим бўлган. Агар ажралиш тўғрисидаги хатда бирор-бир шарт кўрсатилса, мазкур шарт албатта бажарилиши лозим, акс ҳолда, ажралиш содир бўлмайди.

Ажралиш вақтида диний нормаларга риоя қилиш лозим бўлган. Эр хотиндан ажралиш учун ўйлаб топилган ҳар хил важларни келтириб, ҳеч бир исботсиз ўз хоҳишича ажралиши мумкин бўлган. У хотиннинг тақдирини ўз хоҳишича ҳал қилар ва истаган вақтда уйдан ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳатто енгил тан жазосини бериши ҳам мумкин эди. Шунинг учун агар эр золим бўлса, хотини доимий равишда унга қарам бўлиб, доимо зулм тортиб, кўрқувда ҳаёт кечирган.

Шариат бўйича, ажралиш қуйидаги шартлар асосида ҳақиқий ҳисобланган:

1) ажралишни истаётган шахс муомалага лаёқатли ва вояга етган бўлиши лозим;

2) ажралиш содир бўлаётган вақтда камида иккита гувоҳ иштирок этиши керак.

Шариат бўйича, никоҳдан ажралиш икки турда бўлган: енгил ва оғир. Никоҳдан ажралишнинг енгил турида эр ажралган хотини билан

қайта никоҳдан ўтиши мумкинлиги тушунилган. Енгил ажралиш деганда, икки маротаба айтилган талоқ, яъни икки талоқ тушунилган.

Ажралишнинг оғир тури эса, эр хотини билан биринчи (яъни бекор бўлган никоҳ назарда тутилмоқда) тузилган никоҳида яшашни давом эттира олмайдиган ажралишдир. Бундай ажралиш «Уч талоқ» сўзи билан амалга оширилган. Эр хотинини «Уч талоқ» қилганда, унинг хотини бошқа шахсга турмушга чиқиб, у билан ажрашгандан сўнг ёки эри ўлган бўлса, белгиланган муддат ўтгандан сўнггина бу аёл билан қайта никоҳ тузиши мумкин. Бу жараён «ҳалола» (тозаланиш) дейилади.

Енгил ажралиш эса мазкур ажралишлардан фаркли равишда, ўн етти хил сўзда ифодаланиши мумкин. Мазкур сўзлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: «Сен ҳайдалдинг», «Сен кесилдинг», «Сен ман этилдинг», «Ўзингнинг ёқангда қолсин», «Ўзингнинг қон-қариндошларинг билан бирга бўл», «Сен маҳрум этилдинг», «Мен сени ўзингнинг онангга топшираман», «Мен сени қўйиб юбораман», «Сенинг ишларинг сенинг ўз қўлингда», «Сен эркинсан», «Ёпинғич тушир», «Тоза бўл», «Бу ердан йўқол», «Жўна», «Кет», «Тур», «Ўз тенгингни топ». Бу ифодаларнинг ҳаммаси умуман шариат бўйича, хусусан, давлат тўнтарилишига қадар Туркистонда никоҳдан ажралишнинг енгил тури ҳисобланган.

Мамлакатимиз худудлари Чор Россияси томонидан босиб олингандан кейинги Шўролар ҳокимияти даврида туғилиб ўсган ва вояга етган кишилар Қуръони карим, Ҳадиси шариф каби табаррук манбаларда жамланган мусулмон ҳуқуқи, шариат қонуни нормаларидан беҳабар қолганлар, асл нусхалари чоп этилмагани сабабли, уларни ўқиш ва ўрганиш имкониятидан маҳрум бўлганлар.

Коммунистик мафкура таъсири остида тарбияланган кишилар никоҳ, оила, аҳли аёлига муносабат ҳақидаги тушунчаларни Компартия қарорлари асосида қабул қилинган қонунлар ва уларни шарҳлаб ёзилган ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимларнинг асарларидан ўрганганлар. Айни пайтда, бу адабиётларда неча асрлар давомида камол топган маънавий-миллий қадриятларимиз қаттиқ қораланган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши миллий кадриятларимизни ривожлантириш, уларни янада теранроқ англашимиз учун кенг йўл очиб берди. Истиқлол туфайли ислом дини ва исломий кадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар қилинди.

Халқимиз ҳаёти ва турмушида ислом дини ва исломий кадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «биз ислом дини ота-боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз... динга хурмат ва эътиқод – биз учун ўлмас кадриятдир»<sup>1</sup>.

Истиқлол йилларида Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар, жумладан Имом ал-Бухорий томонидан «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» номли тўрт жилдли китоби, Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» китоби ва бошқа асарлар ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Уларни ўқиш-ўрганиш натижасида халқимиз, эркагу аёлларимиз оила-никоҳ, бола тарбияси борасидаги вазифалари, ҳақ-ҳуқуқлари хусусида шариат қонунларида билдирилган фикрлар шўролар даврида мутлақо нотўғри талқин этилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Қуръони карим ва Сунна тафсирлари асосида ишлаб чиқилган мусулмон ҳуқуқи мажмуаси бўлмиш шариат бир бутун ҳуқуқий тизимни ташкил этади. Уларда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, оила-никоҳ муносабатлари, эр-хотинлик, ота-оналик, болалик ҳамда қариндошлик муносабатларидаги ахлоқ-одоб қоидалари, кишиларнинг маънавий поклиги, ростгўйлик, катталарга ҳурмат, жамоат жойларида, оилада ўзини тутиш, юриш-туриш одоби, шарқона турмуш тарзи, оила ҳаётининг маънавий, ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий қоидалари белгилаб қўйилган.

Шариат қонунларида жамият ҳаётининг диний, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий қоидалари билан бирга, оилавий ҳаётнинг асосий қоидалари, жумладан эр-хотин, ота-она ва болаларнинг ўзаро бурч ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз. – Т., 2000. – Б. 26.



Шариат эркак билан аёл ўртасидаги муқаддас никоҳ ришталарини қаттиқ қўриқлаган, уларнинг никоҳсиз яшашига йўл қўймаган. Бу эса мусулмонларни никоҳ ва оила муносабатларига енгилтаклик билан қарашдан сақлаган.

Ислом ҳуқуқида назарда тутилган никоҳга киришда мажбур қилинмаслик, меросга эгалик қилиш ва бошқа бир қанча ҳуқуқий қоидалар Ғарб мамлакатларидаги феодал ҳуқуқлардан анча устун турган.

Шариат қонунларида белгиланган оилавий муносабатларга доир айрим ҳуқуқий нормалардан ҳозир ҳам кўпчилик давлатларнинг оила қонунчилигида фойдаланилади. Хусусан, никоҳланувчиларнинг никоҳга киришдаги ўзаро эркин розиликлари, никоҳнинг гувоҳлар иштирокида тузилиши, яқин қариндошлар ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлмаган кишилар ўртасида никоҳланишнинг ман этилиши ҳозирги замон оила-никоҳ қонунчилигида ўз ифодасини топган.

## 2-БОБ.

# ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, БУГУНГИ ҲОЛАТИ, ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

### 1-§. Мустақил Ўзбекистонда оила ва никоҳ муносабатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Жумладан, унинг 46-моддасида: «Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар», деб кўрсатилган ҳолда аёлларнинг шахсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат қонунлари билан ҳимоя қилиниши кафолатланган.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳиссий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари мобайнида хотин-қизларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис ҳаёт давомийлигининг сабабчиси, муборак ва мунаввара аёл юртимизда муносиб эъзоз, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлмоқда. «Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир»<sup>2</sup>. Ислом Каримовнинг ушбу сўзларида чуқур рамзий маъно ва улуғвор вазифа мужассам: «Онани эъзозлаш –

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 255.

бизнинг халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки, аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси турмушда, оилавий муносабатларда аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқлилиги, оиланинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш, никоҳ ва оила муносабатларининг давлат даражасида ҳуқуқий тартибга солиниши каби долзарб ҳаётий масалаларни ўз ичига олади.

Оила кодексига аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеи, ҳуқуқий мақоми белгиланиши нафақат халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий-маънавий хусусиятлари ва қонунчилик соҳасидаги тажрисини, балки умуминсоний мезонларни тўла-тўқис акс эттирди.

Чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциянинг 16-моддасида «барча иштирокчи давлатлар никоҳ ва оилага оид ҳамма масалаларни эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги асосида ҳал этиш ҳамда оилавий низоларни ечишда хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш учун зарур чоралар кўришлари лозим»<sup>2</sup> эканлиги таъкидланган.

Халқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 21-моддасида: «Оилавий турмушнинг барча масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар», – деган қоида мустаҳкамланган. Шунингдек, ушбу Кодексда эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва яшаш жойини танлашда эркин эканлиги кўрсатилган.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 255.

<sup>2</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида 1979 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция». – Т., 2005. – Б. 17.

Қонунда никоҳ эркин-ихтиёрийлик, эркак ва аёлнинг ўзаро розилиги асосида тузилиши белгилаб қўйилган. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Қонунчилигимизда биринчи маротаба никоҳланувчи шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш ўзининг расмий ҳуқуқий ифодасини топди.

Оила кодексининг 17-моддасига кўра, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш оила қураётган шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари тиббий сир ҳисобланади ва шахснинг розилигисиз ошкор этилмайди. Башарти, никоҳга кирувчи кимсалардан бири муайян хасталикни, масалан, таносил касаллиги ёки одам иммунитетни танқислиги синдроми (ОИТС) борлигини яширган бўлса, иккинчи тараф никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга мурожаат этишга ҳақли бўлади. Бу ниҳоятда муҳим ҳуқуқий, айти вақтда, адолатли қоидадир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган «Ўзбекистон аёллари – 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзуидаги сўровнома натижалари мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида оила катта аҳамиятга эга эканлигини, унга доимо масъулият билан ёндашиш кераклигини тасдиқлайди.

Аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг мулкӣ ҳолати алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига махсус боб бағишланган. Жумладан, 23-модданинг биринчи қисмида таъкидланишича, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулки, шунингдек никоҳга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади.

Қонунчилигимизда илк бор «никоҳ шартномаси» деган янги институт пайдо бўлди. Мазкур ҳуқуқий институтнинг жорий этилиши ҳам муайян маънода аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашга

қаратилгандир. Оила кодексининг 29-моддасига биноан, никоҳ шартномаси – никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда, уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви (аҳдномаси)<sup>1</sup>.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Бироқ никоҳга қадар тузилган шартнома у расмӣ давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина юридик кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномасига мувофиқ, эр ва хотин биргаликдаги умумӣ мулкнинг қонунда белгиланган мақомини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўзгартириш мумкин. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, келгусида вужудга келадиган мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси асосан оиладаги моддий, мулкӣ масалалар юзасидан тузилиб, оила соҳибларининг бу борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилашга мўлжаллангандир. Унинг мавзуси доирасига эр ва хотиннинг ўзаро моддий таъминот бериш; оила харажатларини кўтариш; бир-бирининг даромадида иштирок этиш; ўзга шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш каби масалалар киради.

Никоҳ шартномасининг муҳим афзалликларидан бири шуки, у эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда, уларнинг ҳар бирига бериладиган мулкни (ҳажми ва миқдорини) аниқлаб олиш имконини беради. Бу ҳолат оилавий-мулкӣ низоларни судда кўришга тўғри келиб қолганда ҳам эр-хотинга ва судга масалани адолатли ҳал этишда ёрдам беради.

Никоҳ шартномаси талабларини бажариш мажбурийдир. Уларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Ушбу

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аёлларнинг ҳуқуқӣ мақоми // Аёл, оила ва жамият: Илмӣ-амалий конф. матлари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 37.

шартнома эр-хотиндан бирининг истагига кўра Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда, суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Қонунда никоҳ даврида ва никоҳдан ажратишда аёлларнинг ҳамда болаларнинг манфаати устун даражада ҳимояланиши назарда тутилган. Айнан мана шу адолатли принципдан келиб чиқиб, Оила кодексининг 39-моддасида қуйидагилар битилган: «Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас».

Ўзбекистонда мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қурилиши бошланганидан кейингина ислом дини билан боғлиқ урф-одатлар қайта тикланиб, жамият ҳаётида, жумладан, маънавиятимизда риоя қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

## **2-§. Хорижий давлатларнинг қонунчилигида аёл ҳуқуқларининг тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари**

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликнинг муҳофазасини таъминлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, барча соҳада хотин-қизларга берилган имтиёзлар, яратилган шарт-шароитларни янада кучайтириш масалалари давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Аёллар ҳақида ҳар қанча илиқ сўзларни ёзиш, уларни таърифлаш учун неча томлик асарлар яратиш мумкин.

Бинобарин, аёл Оллоҳ томонидан яратилган бебаҳо неъмат, нозик хилқат саналади. Аёл билан олам мунаввар, ҳаётимиз фаровон, турмушимиз баракали ва зийнатли кечади. Аёллик масъулияти ва мажбуриятини кўтариш жуда қийин, аммо уни амалга ошириш шарафли ҳамдир.

Аёл – бу жуфти ҳалоллик, фариштали бекалик, покиза руҳ, ўзаро ҳурмат, меҳр, вафо ва садоқат тимсолидир. Бу оналик, авлодлар давомийлиги, бедор тунлар, фарзандлар камоли, оналик меҳри,

суянчи ва таянчидир. Аёл касбий маҳорат, раҳбарлик шижоати, каттиққўллик ва талабчанлик, оқиллик фазилатлари соҳибидир. У олималик, зукколик ва заковат, чидам ва бардош, маънавият ва маданият рамзидир.

Аёл – гўзаллик ва нафосат, соғ тан, соғлом фикр, соғлом рух соҳиби. Аёлда ота-она олдидаги фарзандлик бурчи, қизлик масъулияти, ака-ука, опа-сингил олдида – қондошлик, қайнона-қайнота, қайинлар олдида – келинлик, жиянлар олдида – аммалик ва холалик, устозлар олдида шогирдлик, шогирдлар олдида устозлик масъулияти мужассамдир.

Юртимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, жойларда уларни иш билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар кўлами йилдан-йилга ортиб бормокда.

Бунинг исботи сифатида кейинги вақтларда Республикамизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Президент фармонлари ва қарорлари, Давлат дастурлари, фуқаролик, оила, меҳнат ҳуқуқи ва тиббиёт соҳасига оид муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатларида хотин-қизларга берилган имтиёзларда ўз ифодасини топган.

Қабул қилинаётган ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аёллар томонидан ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги қувонарлидир. Масалан, 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий фикр» жамотчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аёллар ўртасида ўзларининг амалдаги қонун ҳужжатларда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини қай даражада билишларини аниқлаш юзасидан ўтказилган сўровлар натижасига кўра, 2011 йилда респондентларнинг 37,6 фоизи, 2013 йилда 38,9 фоизи ва ниҳоят 2014 йилда 47,2 фоизи<sup>1</sup> ўзларининг амалдаги қонун ҳужжатларда белгилаб берилган

---

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Ўзбекистон аёллари – 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзусида ўтказилган сўров натижалари. «Женщины Узбекистана – 2014: социальное положение и социальное самочувствие». –Т.: 2014 г., – С-11.

ҳуқуқ ва эркинликларини билишлари, яъни йилдан-йилга мазкур кўрсаткичнинг ўсиб бораётганлиги кузатилганлиги қувонарли ҳолдир. Аммо бу борада ҳам ечимини кутаётган вазифалар ҳалигача мавжудлиги кўзга ташланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун аёллар ўртасида уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» (1999 йил 14 мартдаги)ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (2003 йил 29 августдаги Қонунининг 22-моддаси)ги, Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чоралари тўғрисида» (1995 йил 2 мартдаги ПФ-1084)ги, «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2004 йил 25 майдаги ПФ-3434)-ги фармонлари мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада оширишда алоҳида аҳамият касб этди (қонунларнинг қабул қилинган саналари қани?).

Мазкур қонун ҳужжатлари асосида мамлакатимизда тизимили равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа соҳалардаги иштироки тобора кенгаймоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2014 йилда ўтказилган «Ўзбекистон аёллари – 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзуидаги сўровнома доирасида республикамиз миқёсида 1100 нафар хотин-қизлар ўртасида уларнинг моддий ва ижтимоий ҳимояланганликларининг аҳволини ўрганиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўровда иштирок этган хотин-қизларларнинг 92,6 фоизи ўзларини тўлиқ моддий ва ижтимоий ҳимояланганлик-



ларини айтишган бўлса, респондентларнинг атига 3,3 фоизи мазкур саволларга жавоб беришга қийналганликларини маълум қилишган<sup>1</sup>.

Жамиятимизда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг ваколатларини кенгайтириш, иш самарадорлигини янада ошириш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бугун хотин-қизларнинг салмоқли қисми нодавлат нотижорат ташкилотларининг таълим, аёллар ҳуқуқлари, репродуктив саломатлик, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифаларни аъло даражада бажариб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралаётган юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, вакиллик органларига оид сайлов қонунчилигида аёлларга имтиёзлар белгиланган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси тўртинчи қисмида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозимлиги қайд этилгани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари орасида аёллар 22 %ни, Сенатда эса 15 % ташкил қилади. Вилоятлар миқёсидаги ҳокимият вакиллик органларида аёллар депутатларнинг 12,5 %ини, туманларда – 15 %, шаҳарларда эса – 18,1 % ни<sup>2</sup> ташкил қилмоқда.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти таҳлили йилдан-йилга уларнинг аёлларга эътибори кучайиб бораётганини кўрсатяпти. Бугунги кунда мавжуд тўртта сиёсий партиянинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўналишида фаолият кўрсатувчи аёл-

---

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Ўзбекистон аёллари – 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзусида ўтказилган сўров натижалари. «Женщины Узбекистана – 2014: социальное положение и социальное самочувствие». –Т.: 2014 г.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2014-2015 йиллардаги ҳисобот ҳужжатлари тўплами. –Т: 2015 й.

лар қанотлари ташкил этилган. Сиёсий партиялар томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, қизларнинг эрта турмушга чиқиши ва қариндошлар орасидаги никоҳ туфайли келиб чиқадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга йўналтирилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада опа-сингилларимизнинг ташаббускорлиги ортиб боришига мустақам замин яратилмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партияларга аъзо аёлларнинг кўпайиб бориши кузатилмоқда, Ўзбекистоннинг ҳар бир сиёсий партиясида аёлларни сайловларда иштирок этишга тайёрловчи тадбирлар ўтказадиган «Аёллар қаноти» ташкил қилинган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, ҳозирги кунда сиёсий партиялар томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда. Шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ижобий натижаларга эришиляпти.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг Аёллар қанотлари фаолиятида қатор камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Жумладан, улар ўтказадиган тадбирларнинг аксарияти ахборот бериш ва маънавий-маърифий хусусиятга эга бўлиб қолмоқда. Тадбирлар «навбатчи» маърузачиларнинг чиқишлари шаклида олиб борилади. Бунда интерфаол усуллар ҳамда замонавий технологиялардан деярли фойдаланилмайди.

Натижада айрим ташаббуслар хотин-қизлар орасида партия тарафдорларини кўпайтириш мақсадларига самарали хизмат қилмаяпти. Аёллар қанотларининг бошланғич партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини бугунги кунда «қониқарли» деб бўлмайди. Зеро, аксарият ҳолларда ҳамкорлик партия гуруҳлари аъзоларининг асосий

---

<sup>1</sup> Қаранг: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Ўзбекистон аёллари – 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзусида ўтказилган сўров натижалари. «Женщины Узбекистана – 2014: социальное положение и социальное самочувствие». –Т:, 2014 г.

иш жойи ҳисобланган ташкилотлар биноларида тадбир ўтказиш билан чекланиб қолмоқда.

Шундай экан, сиёсий партияларнинг Аёллар қанотлари фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалий қадамлар қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишда партиялар аппаратларининг тегишли бўлимларида жамоатчилик кенгашлари, эксперт гуруҳлари ва Аёллар қанотлари фаолларини бирлаштиришнинг бошқа шакллари ишга солиш лозим. Шундагина партияларнинг мазкур тузилмалари ишини янада такомиллаштириш, улар илгари сураётган ташаббусларнинг таъсирчанлигини оширишга эришиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (ПФ-3434-сонли) фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги (299-сонли) қарори билан тасдиқланган Ташкилий, ташвиқот чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифаларни сифатли бажаришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги (47-сонли) қарори билан «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги намунавий низом» тасдиқланди.

Ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар лавозимларининг энг обрў-эътиборли ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган ва аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан жамланганлиги қувонарлидир.

Бугунги кунда республикамизнинг барча маҳаллаларида (ҳар 500 та оила яшайдиган ҳудудга бир нафар) диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар сайланиб, улар томонидан маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси самарали равишда амалга оширилмоқда.

Маҳалла институти фаолиятини тартибга солувчи «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ижросини ҳамда маҳаллада демократик кадриятларнинг янада барқарорлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни борлиги 2016 йилда ўтказилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида яна бир қарра намоён бўлди.

Масалан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижаларига кўра ушбу лавозимларга сайланган аёллар 2006 йилда – 1 043 нафарни, 2008 йилда – 1 160 нафарни, 2011 йилда – 1 264 нафарни, 2013 йилда – 1 310 нафарни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2016 йилга келиб 1368 нафарни кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, маслаҳатчилар лавозимига тайинланган фуқароларнинг 30,8 фоизини аёллар ташкил этаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимият органларида раҳбар аёлларнинг сони сезиларли даражада ўсганини кузатиш мумкин. Масалан, хотин-қизлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судда – 20 фоизни, Олий судда – 14,6 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида – 20,4 фоиз, Олий хўжалик судида – 15,8 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судларида – 22,6 фоизни ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида: «Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар», деб белгилаб қўйилиши ҳам аёлларга бўлган алоҳида эътибор, аёллар ҳуқуқ ва манфаат-

---

<sup>1</sup> Цент изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» и Фонд имени Фридриха Эберта. / Женщины независимого Узбекистана (результаты социологического исследования). Под редакцией Р.Убайдуллаевой и Р.Крумма. Т., 2015. С.56

ларининг ҳимоясини таъминлаш ифодасидир. Бу тенглик ифодаси эркаклар ва аёлларнинг барча соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли.

Ушбу нормани кенгроқ изоҳлаш мақсадида айрим хорижий давлатларнинг Конституцияларига мурожаат қилишга тўғри келди. Масалан, Туркманистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида: «Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқларга эга. Ушбу нормани бузган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади», деб кўрсатилган бўлса, Молдова Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: «Она, бола ва ёшлар давлат ҳимоясида. Она ва бола алоҳида ёрдам ва ҳимояга муҳтож» эканлиги белгиланган. Тожикистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида: «Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлидир»<sup>1</sup>, деб таъкидланган бўлса, Украина Республикаси Конституциясининг 24-моддасида аёл ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги жамоат ишларида, сиёсий ва маданий фаолиятда тенг тарзда иштирок этиш, таълим олишда ва махсус касбий тайёргарликдан ўтишда, меҳнатига яраша тақдирланишда, меҳнатни муҳофаза қилишда, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминотида имтиёзлар олишда, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлашда, оналарга имтиёзлар яратилиши, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, ҳомиладор ва болали аёлларга имтиёзлар яратишда тенглик таъминланишини белгилаб қўйиш орқали мустаҳкамланган<sup>2</sup>. Шунингдек, ушбу давлат Конституциясининг 44-моддасида «аёллар ва вояга етмаганлар меҳнатидан зарарли ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди» деган қоида белгиланган.

Хўш, аёлнинг оиладаги ўрни ва мавқеи нимадан иборат, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хотин-қизларга қандай имтиёзлар яратилган?

Аёлнинг оиладаги ўрни ва мавқеи беқиёс, чунки у оиласи, фарзандлари ҳаётида, улар орқали жамият ҳаётида иштирок этади. Зеро

---

<sup>1</sup> Конституция Республики Таджикистан. 1994.06.11. Внесены изменения и дополнения в результате референдума от 26 сентября 1999 года. Внесены изменения и дополнения в результате референдума от 22 июня 2003 года.

<sup>2</sup> Конституция Украины принята на пятой сессии Верховной Рады Украины 28 июня 1996 года (Ведомости Верховной Рады Украины (ВВР Украины), 1996. – № 30. – Ст. 141.

болаларнинг биологик, психологик, тиббий хусусиятлари оилада вужудга келади, шаклланади ва ривожланади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биринчи марта миллий хусусиятларимиз эътибори ва рамзи сифатида Конституциянинг XIV боби (63–66-моддалар) «Оила» деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб белгиланган бўлса, Россия Федерацияси Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари» номли 2-бобининг 38-моддасида оналик, болалик ва оила давлат ҳимоясида эканлиги, болалар ва уларнинг тарбияси борасида ота-оналарнинг мажбуриятлари кўрсатилган.

Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси «Оила ва давлат» деб номланиб, «Оила жамиятнинг асосий бўғини ва у давлат ҳимоясида» эканлиги, «Ота-оналарнинг болалар олдидаги мажбуриятлари» кўрсатилган. Конституциянинг 34-моддаси «Никоҳга бўлган ҳуқуқ» деб номланиб, унда никоҳ шартлари, оила муҳофазаси, ота-оналар ва болалар ўртасидаги мажбуриятлар белгиланган<sup>1</sup>.

Венгрия Республикаси Конституциясининг «Асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар» номли 12-бўлимига тегишли 15-моддасида «Давлат никоҳ ва оила институтини ҳимоя қилади», деб таъкидланган бўлса; 67-моддасида ота-оналарнинг мажбуриятлари<sup>2</sup> белгилаб берилган.

Беларусь Республикаси Конституциясининг «Шахс, жамият, давлат» номли 2-бўлимига тегишли 32-моддасида никоҳ, оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида эканлиги таъкидланиб, бола ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган<sup>3</sup>.

Молдова Республикаси Конституциясининг «Асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар» деб номланган 2-бўлимига тегишли

---

<sup>1</sup> Конституция Азербайджанской Республики 12 ноября 1995 г. Опубликовано в «Сборнике Законов Азербайджанской Республики» № 1 от 31 июля 1997 года. С изменениями принятые на всенародном голосовании (референдуме) 24 августа 2002 года (вступившие в силу 19.09.02) . – Ст. 158.

<sup>2</sup> Новая Венгерская Конституция 25 апреля 2011 года.

<sup>3</sup> Конституция Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.).

48-моддаси «Оила» деб номланган бўлиб, унда «оила» тушунчаси, никоҳга кириш шартлари, болаларга нисбатан ғамхўрлик масалалари ўз ифодасини топган.

Ушбу Конституциянинг 49-моддаси «Оилани ва етим болаларни ҳимоя қилиш»; 50-моддаси эса «Она, бола ва ёшларни ҳимоя қилиш» деб номланган. Ҳаттоки, ушбу бобда никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқлари ҳам қонун ҳимоясида эканлигига алоҳида урғу берилган<sup>1</sup>.

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида она ва бола давлат ҳимоясида эканлиги, болаларнинг ота-оналарга ғамхўрлиги, хусусан, етим болаларга ғамхўрлик<sup>2</sup> масалалари ўрин олган.

Грузия Республикаси Конституциясининг 36-моддасида никоҳ тузиш шартлари, оналик ва болаликнинг давлат томонидан ҳимояланиши белгилаб қўйилган<sup>3</sup>.

Болгария Республикаси Конституциясининг «Асосий қоидалар» номли 1-бобидаги 14-моддада «оила, оналик ва болалик давлат ва жамият ҳимоясида» эканлиги таъкидланган бўлса, «Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 2-бобининг 46-моддасида никоҳ, унинг тушунчаси ва шартлари, 47-моддасида болалар, уларга ғамхўрлик, никоҳсиз ва етим болалар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимояланиши, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ва чеклаш масалалари ўрин олган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Молдова О промульгации Закона «О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Молдова». На основании части (2) статьи 93 Конституции Республики Молдова Президент Республики Молдова постановляет: промульгировать Закон N 1115-XIV от 5 июля 2000 года о внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Молдова. О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Молдова Закон от 5 июля 2000 года N 1115-XIV Парламент принимает настоящий Конституционный закон.

<sup>2</sup> Конституция Республики Таджикистан. Внесены изменения и дополнения в результате референдума от 26 сентября 1999 года. Внесены изменения и дополнения в результате референдума от 22 июня 2003 года.

<sup>3</sup> Конституция Грузии от 24 августа 1995 года.

<sup>4</sup> Конституция Республики Болгарии от 13 июля 1991 года.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «Оналик ва болалик, оталик давлат томонидан муҳофаза қилинади», «Болалар ҳақида қайғуриш ота-оналарнинг табиий мажбуриятларидир», «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»<sup>1</sup>, деган қоидалар белгиланган.

Туркменистон Республикаси Конституциясининг «Инсонлар ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари» деб номланган 2-бўлимига тегишли 25-моддасида оилавий муносабатларда никоҳнинг тенглиги, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг ота-оналарини таъминлаш мажбуриятига эга эканлиги белгиланган<sup>2</sup>.

Қирғизистон Республикаси Конституциясининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 3-бўлимига тегишли 26-моддасида ота-оналарнинг болалар ҳақидаги ғамхўрлиги, давлатнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан ғамхўрлиги, катталарга ҳурмат, қариндошлар ва яқинларга ғамхўрлик қилиш қирғиз халқининг асосий одатларидан бири эканлиги ҳақидаги қоидалар ўрин олган<sup>3</sup>.

Латвия Республикаси Конституциясининг «Инсонларнинг асосий ҳуқуқлари» деб номланган 8-бўлимига тегишли 110-моддасида давлат никоҳ, оила, ота-оналар ва болалар ҳуқуқ ва манфаатларини, ногирон ва етим болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши ва уларга нисбатан қилинган хайрия тадбирларини қўллаб-қувватлаши белгиланган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Конституции Республики Казахстан, принятой 28 января 1993 года, не подлежат утверждению Парламентом Республики.

<sup>2</sup> О порядке введения в действие Конституции Туркменистана от 18 мая 1992 г. – «Ведомости Меджлиса Туркменистана». – 1992. – № 5. – Ст. 30.

<sup>3</sup> Закон Кыргызской Республики «О новой редакции Конституции Кыргызской Республики». Принят референдумом (всенародным голосованием) Кыргызской Республики 21 октября 2007 года.

<sup>4</sup> Конституция Латвийской Республики. Принятая в пленарном заседании Латвийского Учредительного Собрания 15-го февраля 1922 года и вступившая в силу 7 ноября 1922 года.



Япония Конституциясининг «Халқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» номли 3-бобига тегишли 24-моддасида никоҳ тузиш шартлари, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги белгиланган<sup>1</sup>.

Ирландия Конституциясининг «Асосий ҳуқуқлар» деб номланган бўлимидаги «Оила» номли 41-моддасида никоҳ ва оиланинг давлат ҳимоясида эканлиги, «никоҳ» тушунчаси ва шартлари, уни бекор қилиш асослари ва тартиби, ота-оналар ва болалар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасида «Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги» белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги принциплари асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, Оила кодексининг 19-моддасида – «Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги», 71-моддасида – «Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги», 97-моддасида – «Болаларга таъминот беришда ота-она мажбуриятларининг тенглиги» каби нормалар борки, булар аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини бевосита кўрсатади.

Ҳаттоки, Оила кодексининг 39-моддасида эрнинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб қўйишини ман этадиган ҳолатлар сифатида хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Аёлларга берилган имкониятлар ва имтиёзларни нафақат оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, балки меҳнат қонунчилигида ҳам

---

<sup>1</sup> Конституция Японии. Промульгирована 3 ноября 1946 г. Вступила в силу 3 мая 1947 г.

<sup>2</sup> Конституция Ирландии от 29 декабря 1937 года.

кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекс-сида:

ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўймайдиган ҳолатлар ичида ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни – тегишинча, уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик ман этилиши (78-модда);

ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ишга қабул қилинганда, шунингдек олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмаслиги (84-модда);

уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши (116-модда);

аёллар бошқа ижтимоий таътиллар (ўқиш билан боғлиқ, ижодий таътил) билан бирга ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, болаларни парваришlash таътилларида фойдаланиши мумкинлиги (149-модда);

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёллар ҳамда 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили 14 календарь кунга қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши (150-модда) фикримизнинг яққол ифодасидир.

Юртимизда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари камситилишининг олдини олиш борасида эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг учун давлат даражасида ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида, ҳаттоки ҳар бир фуқаролар йиғинида хотин-қизлар ҳаётига оид барча масалаларнинг ечимини топиш билан шуғулланувчи хотин-қизлар кўмиталари ва комиссиялари фаолият кўрсатмоқда.

Аёлларни камситишга барҳам бериш дунё мамлакатларини ташвишлантираётган масала сифатида Ўзбекистоннинг ҳам эътиборидан четда қолгани йўқ. Масалан, БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларациясининг 8-моддасида давлатлар аёллар билан савдо қилиш ва улардан фохишаликда фойдаланишнинг барча кўринишларига барҳам бериш юзасидан

тегишли чоралар кўриши лозимлиги қайд этилган<sup>1</sup>. Мазкур халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси сифатида 2008 йилда юртимизда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида» қонун<sup>2</sup> қабул қилинди.

Мамлакатимиздаги айрим хотин-қизларни алдов, фирибгарлик, куч ишлатиш йўли билан бошқа давлатга олиб чиқиш, ҳуқуқларини поймол қилиш ва камситиш ҳолларига барҳам бериш, жиноятдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида қонунда қатор нормалар акс эттирилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатларнинг барчаси соғлом оилани шакллантириш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

### **3-§. Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон БМТнинг аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда аёлларнинг миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволи ҳамда турар жойидан қатъи назар, барча ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилади. Давлат томонидан аёлларнинг турмушини яхшилашга ижобий ёндашув таъминланмоқда.

Давлат мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимиз аёлларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш масаласини давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олган.

Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Ўзбекча нашр бўйича маъсул муҳаррир А. Х. Саидов. – Т., 2004. – Б. 98.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. – Т., 2008.17.04. – ЎРҚ-154-сон.

– *биринчидан*, аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

– *иккинчидан*, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳволини доимий равишда ва комплекс мониторинг қилиш, уларнинг оилада, жамиятда ҳамда жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги ролини ошириш;

– *учинчидан*, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш, уларни ишга жойлаштириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, аёллар орасида, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш;

– *тўртинчидан*, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларига мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишида кўмаклашиш<sup>1</sup>..

Шунингдек, 1991 йил 23 февралда ташкил этилган Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳам тўртта асосий йўналишда иш олиб бормоқда:

– бозор муносабатларига ўтиш даврида аёлларни ижтимоий ва профессионал кўллаб-қувватлаш, ҳокимият тузилмаларида вакиллик қилишда, барча даражаларда қонунлар қабул қилинишида аёлларнинг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш;

– билим олиш, малакаси ва маҳоратини оширишда тенг имкониятларни таъминлаш; давлат ривожлантириш дастурларини амалга оширишда аёлларнинг иштирок этиши кенгайтиришига кўмаклашиш, ҳуқуқий кафолатлар механизмларини кучайтириш, уларнинг функционал ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

---

<sup>1</sup> Цент изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» и Фонд имени Фридриха Эберта. / Женщины независимого Узбекистана (результаты социологического исследования). Под редакцией Р.Убайдуллаевой и Р.Крумма. Т., 2015. С.91

– оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг репродуктив соғлиғини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш;

– халқаро хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш, сиёсий, маданий, илмий, иқтисодий соҳаларда кенг ахборот айирбошлаш<sup>1</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йилда қабул қилинган Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга 1995 йилда Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб қўшилди.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Одам савдоси ва фoҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949 й.), Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация (1967 й.), Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси (1995 й.), шунингдек Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 й.), Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1960 й.)ларини ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисидаги 100-конвенцияси (1951 й.), Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги 111-конвенцияси (1958 й.), Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисидаги 156-конвенцияси: оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар (1981 й.), Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисидаги 122-конвенцияси (1964 й.)ни ратификация қилиш миллий даражада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларини имплементация қилиш бўйича қонунчиликка ва давлат органлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2014-2015 йиллардаги ҳисобот ҳужжатлари тўплами. –Т: 2015 й.

фаолиятининг амалиётига аниқ чораларни ишлаб чиқиш учун зарур халқаро ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Минг йиллик декларация»сини имзолаган давлат сифатида ўз зиммасига Декларациянинг мақсадларини давлатни ривожлантириш дастурларига киритиш ва Минг йиллик тараққиёт мақсадларини 2015 йилга қадар амалга ошириш режасига риоя қилиш бўйича масъулиятни олди.

Ўзбекистон Минг йиллик тараққиёт мақсадларини амалга оширишда, биринчи навбатда, қашшоқликни камайтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг ролини ошириш, эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлаш сингари мақсадларга қаратилган чораларни изчил амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда таълим, гендер тенглик, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларда жиддий натижаларга эришилган бўлиб, бу аёллар ҳаётининг фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик қилиш билан бевосита боғлиқ. Ушбу чоралар, биринчи навбатда, Конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, шунингдек БМТ Бош Ассамблеяси 23-махсус сессиясининг «Аёллар 2000 йилда: эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик, XXI асрда ривожланиши ва тинчлик» якуний ҳужжатининг қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган.

1995 йилда БМТнинг Аёллар аҳволи бўйича IV Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин Ҳаракатлар платформаси ўта муҳим ҳисобланади. Унинг муқаддимаси ва 12 бўлими яъни аёллар аҳволини глобал даражада баҳолаш ва бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича стратегиялар, сиёсат ва чоралар тадқиқ этилган аёллар ҳуқуқлари бўйича энг тўлиқ дастур ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан:

– «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун (2014 йил 3 декабрь, 378-сон);

– «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун (2014 йил 5 май, 369 сон);

– «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун (2014 йил 14 май, 371-сон):

– «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун (2016 йил 11 апрель, 403-сон).

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида вазирликлар, идоралар ва нодавлат ташкилотлари томонидан аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш учун тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узок умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди. Бундан ташқари мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланиб ижрога қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелда «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат ҳайрия фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-596-сонли, 1994 йил 16 июндаги «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги» ПФ-871-сонли, 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-938-сонли фармонларидир.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йилнинг – «Оила йили», 2000 йилнинг – «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг – «Она ва бола йили», 2008 йилнинг – «Ёшлар йили», 2012 йилнинг – «Мустаҳкам оила йили», 2014 йилнинг – «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, бажарилгани бу борадаги эзгу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан илгари сурилган «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилиши натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими – 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими – 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими – 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривожланиш концепцияси мақсадларига тўлиқ эришди.

Ўзбекистонда «Соғлом она ва бола йили», деб эълон қилинган 2016 йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилмоқда. Жумладан, юртимиздаги мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 2005 йилда 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда қарийиб 65 фоизга етди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70–72 фоизни ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу анча қувонарли натижадир<sup>1</sup>.

Болалар ўртасида касалланишнинг камайганлиги, 10–14 ёшдаги ўғил-қизларимизнинг бўйи 2,9–3,0 сантиметрга ўсгани, вазни эса 43 кг дан 47 кг гача ортгани кузатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткич Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан «Ўзбекистон аёллари – 2015: ижтимоий аҳвол ва ижтимоий кайфият» мавзуида ўтказилган сўров натижалари респондентларнинг 94,3 фоизи ўзларининг таълим, бандлик ва тадбиркорлик, тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилишидан ҳар томонлама ҳимояланганлигини ҳис қилишини кўрсатди.

Сўров иштирокчиларининг 93,1 фоизи охириги йилларда аёлларнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ошган, деб ҳисобла-

---

<sup>1</sup> А. Асқаров. «Болалар ва ёшларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш истиқболлари». / «Болалар учун ижтимоий ҳамкорлик: миллий ва халқаро тажрибалар» мавзусидаги Халқаро форум материаллари. Т., 2014. 76-78 бет.



са, 84,4 фоизи оилада ижобий муҳит шаклланишида нозик қалб эгалари кўпроқ иштирок этаётгани, 78,7 фоизи тез-тез муҳим қарорларни қабул қилиши, оилавий бюджетга катта ҳисса қўшаётганини эътироф этган. Бундан ҳам қувонарлиси – опа-сингилларимизнинг 86,1 фоизи ўз ҳаётидан рози эканликларини билдиришган.

2016 йил 9 февралда республика Президенти тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурида «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилди.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Хусусан, жорий йилнинг 14 сентябрь кунида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни тасдиқланган бўлиб, унга кўра Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга нисбатан (бола тарбияси учун таътилга чиқишидан қатъий назар) жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Меҳрибонлик уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий

шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида 194-маиший хизмат кўрсатиш намунавий комплексини ташкил этиш дастурини тасдиқлаш, уларнинг таркибига «Гўзаллик салонлари», модалар ательеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш шохобчаларини киритиш, ушбу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер майдонлари ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилинди.

Олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларида яшаётган кам таъминланган оилалар бекаларига маиший электр техникасини бепул тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига катталар ва болалар кийимлари берилади.

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрлик ичимлик суви тармоғини барпо этиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилди.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш, йилига 1500 та операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп

тармоқли тиббиёт маркази барпо этилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунига қадар болаларга кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда биринчи тиббий-санитария ёрдами, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ногиронлиги кўрсаткичларини камайтириш мақсадида уч вилоят (Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарлари)даги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилди.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, 38 та туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва туғруқ мажмуаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, 11 та оилавий поликлиника ҳамда 244 та қишлоқ врачлик пунктини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бундан ташқари, Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даволаш ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаториясини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирланди.

Хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш мақсадида комплекс тиббий хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида 4-даражали Аёллар саломатлик марказини ташкил этиш лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу марказ энг илғор ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, унинг қошида замонавий маслаҳат поликлиникаси ва операция блоки ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, жумладан, Республика перинатал маркази, вилоят перинатал марказлари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, 13 та вилоят болалар кўп тармоқли марказлари, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек уларнинг болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари моддий-техник базаси яхшиланади.

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Ушбу жараёнда 2016–2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 та ҳудудий филиали, Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилади.

Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перинатал ультратовушли скринингдан ўтказиш, 13 та скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради. Буларнинг барчаси болаларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

«Соғлом она ва бола йили» давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёллар соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда

парваришланиш кучайтириш, уларнинг овқатланиш рационали сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ҳамда амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Республика диетология илмий-амалий марказини ташкил этиш режалаштирилган.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардир.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 та зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камида биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби, хусусан, 2016 йилда 15 та шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг тўртта йўналиши бўйича 56 та ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, чунончи, жорий йилда 5 та мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини шундай кенгайтириш ҳисобидан яна 11 та сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштириш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва иқтидорли болалар учун «Биз – мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида тарихий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил қилиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари бўйича билимини бойитишга ёрдам беради.

Бўлажак оналар – қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган қизларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига хизмат қилади.

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув курслари, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар негизида «Бизнес-клублар» ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун «Менинг бизнес ғоям» ва «Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи» мавзуларида ҳудудий ҳамда республика танловлари ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Аёллар қаноти томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага», «Соғлом оила – мустаҳкам оила» сингари партиявий лойиҳалар шулар жумласидандир. 2012 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳаси асосида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, соғломлаштириш муассасалари очилмоқда. Бу эса хотин-қизларнинг уй юмушларини енгиллаштириш ва улар учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қиляпти. Энг муҳими, минглаб аёллар мазкур лойиҳа доирасидаги кўплаб тадбирларда ўз иқтисодий билимларини ошириш имконига эга бўлмоқда. Лойиҳа доирасида тижорат банклари томонидан 800 нафар хотин-қизга 9 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида жойларда 4 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Аёллар қаноти томонидан 2015 йилда «Фермер-аёллар» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида 4 минг 600 нафардан зиёд аёл иштирокида 160 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Партиянинг 2015–

2020 йилларга мўллажалланган комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ «Аёллар – инновацион ривожланиш тарафдори», «Замонавий аёл – бунёдкор, етакчи», «Туризмни ривожлантириш» каби қатор партиявий лойиҳаларни амалга ошириш ҳам режалаштирилган<sup>1</sup>.

Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги Ёшлар марказларини, Тошкент вилоятидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳи ва ёш оилалар учун дам олиш маскани, Тошкент шаҳридаги «Камолот» ёшлар боғини реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бу борада 286 та мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдонлари ташкил этиш, айниқса, вилоят марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган шароитларни янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

2016 йилда 28 та янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 та мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебелли, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш, 1,6 мингдан зиёд мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозлаш, 13 та академик лицей ва 107 та касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилган. Давлат дастурида касб-хунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш,

---

<sup>1</sup> Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 23 февраль 2016 йилда ўтказилган таҳлиллар натижалари.

ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2015–2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Давлат дастурига дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў қозонган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш масаласи ҳам киритилган.

Бундан ташқари, республикамиздаги халқаро доирадаги она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатларни ратификация қилиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича хайрли ишлар амалга оширилаётгани барчамизга маълум. Бола ҳуқуқларига оид бешта халқаро конвенциянинг ратификация қилингани, ўндан ортиқ Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалиётга татбиқ этилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро конвенцияда назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бош Қомусимиз, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмоқда.

Халқимизда қадимдан оилага муқаддас даргоҳ сифатида қаралган. Чунки оила нафақат ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган гўша, балки давлат ва миллат келажагини белгилайдиган кўрғон ҳамдир.



Шу боис оилани мустаҳкамлаш нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳонда сиёсат даражасига кўтарилган масалалардан бири ҳисобланади. Буни БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15 май – Халқаро оила куни сифатида белгиланганидан ҳам билиб олиш мумкин. Бундан кўзланган мақсад инсоният диққат-эътиборини одамларнинг ўз орзумидлари, бахт-саодати ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан – оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдан иборатдир.

Бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, никоҳдан ажралиш ҳолатларини камайтириш борасида дунё олимлари томонидан изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, Европа психологлар уюшмаси томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, эрта турмуш қурган ёшларнинг деярли барчасида узок муддатли руҳий сиқилиш кузатилаётган.

Бундан ташқари, бу ёшга хос ўйинқароқлик, қизиққонлик ва бошқа жиҳатлар оила масъулиятини ҳис қилишга тўсқинлик қилиши, бу эса никоҳнинг келажагига хавф солиши аниқланган. Кейинги пайтларда ғарб мамлакатларида кўпайиб бораётган ажралишлар шу билан изоҳланган.

Европалик социологлар эса эрта турмуш қуришни оилаларнинг емирилишига сабаб бўлаётган хатарлардан бири сифатида эътироф этишмоқда. Аниқланишича, бундай никоҳларнинг салкам 82 фоизи ажралиш каби нохуш ҳолатлар билан тугаркан.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари томонидан ўтказиб келинаётган социологик тадқиқотларнинг хулосаларида таъкидланишича, никоҳдан ажралишнинг асосий сабабларидан бири эрта никоҳларнинг қайд этилишида экан. Шу боис улар никоҳ ёшини узайтириш лозимлигини таъкидлаганлар.

Шу ўринда яна бир маълумот: ўлик туғилган болалар ва пренатал ўлимларнинг аксарияти айнан 16–18 ёшда ҳомиладор бўлган аёлларда кузатилиши аниқланган.

Юртимизда соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг

2003 йил 25 августдаги қарори билан «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги низом тасдиқланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг қўламли тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Мунтазам равишда жойларда ФХДЁ бўлими, ҳудудий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллалар ҳамда бошқа манфаатдор муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни» каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Ота-оналар университети», ФХДЁ қошидаги «Оила дорилфунуни» томонидан мунтазам ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари бу борадаги долзарб масалаларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилмоқда. Бу сабъ-ҳаракатлар натижасида ота-оналарга никоҳ ёшига етмаган фарзандини эрта турмушга узатиш ёки уйлантириш ва эрта никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари тушунтириб келинмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ва уларни амалиётга татбиқ этиш тартиботларини янада кучайтириш давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги сабъ-ҳаракатларини бирлаштириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга боғлиқ.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси доирасида ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини изчил бажаришда давом этади ва келажакда ҳам БМТнинг аёллар манфаатларига оид барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

**Ўзбекистон Республика хотин-қизлар ва болаларнинг  
жамиятдаги ўрнини ва oilавий муносабатлар асосларини  
belгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

<b>Т/р</b>	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи</b>	<b>Қабул қилинган сана</b>
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кўп болали оналарга нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони	1990 йил 2 май, ПФ-1-сон
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали oilаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони	1994 йил 16 июнь, ПФ-871-сон
3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган oilаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори	1994 йил 24 август, ВМ-434-сон
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони	1995 йил 2 март, ПФ-1084-сон
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали oilаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари, болалар парвариши учун нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони	1996 йил 4 март, ПФ-1383-сон
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали oilаларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармони	1996 йил 10 декабрь, ПФ-1657- сон
7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болали oilаларни ижтимоий кўллаб-қувватлашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори	1996 йил 10 декабрь, ВМ-437-сон
8.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармони	1997 йил 6 октябрь, ПФ-1869-сон

9.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори	1999 йил 18 февраль, ВМ-73-сон
10.	Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонуни	1999 йил 14 апрель
11.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори	2002 йил 25 январь ВМ-32-сон
12.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони	2004 йил 25 май, ПФ-3434-сон
13.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори	2008 йил 5 ноябрь 240-сонли
14.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори	2008 йил 8 июл ПҚ-911 сонли
15.	«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни	2016 йил 14 сентябрь ПФ-406

**БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган  
халқаро ҳужжатлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси  
томонидан ратификация қилиниши**

<b>Т/р</b>	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи</b>	<b>Қабул қилинган жой ва сана</b>	<b>Ратификация қилинган сана</b>
1.	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь	1991 йил 30 сентябрь, ВМ-366.
2.	Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари	1958 йил 20 декабрь	1997 йил 30 август Олий Мажлис -501-1 қарори
3.	Тенг аҳамиятли меҳнат учун аёл ва эркекларни тенг тақдирлаш тўғрисидаги 100-конвенция	Женева, 1951 йил 29 июнь	1997 йил 30 август Олий Мажлис 493-1 қарори
4.	Оналикни ҳимоялаш тўғрисидаги 103-конвенция	Женева, 1952 йил 28 июнь	1995 йил 6 май, Олий Мажлиснинг 85-1-сонли қарори
5.	Меҳнат ва машғулотлар тўғрисида камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги 111-Конвенция	1958 йил 25 июль	1997 йил 30 августдаги Олий Мажлис 499-1 қарори
6.	Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация	1979 йил 18 декабрь	1995 йил 6 августдаги Олий Мажлис 87- 1 қарори
7.	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши кураш тўғрисидаги конвенция	Нью-Йорк, 1984 йил 10 декабрь	1995 йил 31 август Олий Мажлиснинг 130-1-сонли қарори
8.	«Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протокол	2000 йил 15 ноябрь	2008 йил 8 июлдаги 160-сонли Қонуни

9.	«Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция»	1949 йил 2 декабрь	Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабр кунидаги 576-П- сонли Қарори
10.	«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол»	2005 йил 25 май	2008 йил 11 декабрдаги 188- сонли Қонуни

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т., 2000.
4. *Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. – Т., 2008.17.04. – ЎРҚ-154-сон.
6. *Абдурауф Фитрат.* Танланган асарлар. Оила. – Т.: Маънавият, 1998.
7. *Авлоний А.* Ўсон миллат. – Т.: Шарқ, 1993.
8. *Анбар Отин.* Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом, 1970.
9. *Бартольд В.* Асарлар. VI жилд. – М., 1966.
10. Закон Кыргызской Республики «О новой редакции Конституции Кыргызской Республики». Принят референдумом (всенародным голосованием) Кыргызской Республики 21 октября 2007 года.
11. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Ўзбекистон аёллари – 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзусида ўтказилган сўров натижалари.
12. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Ўзбекистон аёллари – 2015: ижтимоий мавқе ва кайфият» мавзусида ўтказилган сўров натижалари.
13. *Имом Исмоил ал-Бухорий.* Ал-адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). – Т.: Ўзбекистон, 1990.
14. *Ибн Исмоил ал-Бухорий.* Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.
15. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Ўзбекча нашр бўйича маъсул муҳаррир А. Х. Саидов. – Т., 2004. – 98-б.
16. Конституция Азербайджанской Республики 12 ноября 1995 г. Опубликована в «Сборнике Законов Азербайджанской Республики» № 1

от 31 июля 1997 года. С изменениями принятые на всенародном голосовании (референдуме) 24 августа 2002 года (вступившие в силу 19.09.02) . – Ст. 158.

17. Конституция Грузии от 24 августа 1995 года.

18. Конституция Ирландии от 29 декабря 1937 года.

19. Конституция Латвийской Республики. Принятая в пленарном заседании Латвийского Учредительного Собрания 15-го февраля 1922 года и вступившая в силу 7 ноября 1922 года.

20. Конституция Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.).

21. Конституция Республики Болгарии от 13 июля 1991 года.

22. Конституция Республики Казахстан, принятая 28 января 1993 года.

23. Конституция Республики Таджикистан. 1994.06.11. Внесены изменения и дополнения в результате референдума от 26 сентября 1999 года. Внесены изменения и дополнения в результате референдума от 22 июня 2003 года.

24. Конституция Украины. Принята на пятой сессии Верховной Рады Украины 28 июня 1996 года (Ведомости Верховной Рады Украины (ВВР Украины), 1996. – № 30. – Ст. 141.

25. Конституция Японии. Промульгирована 3 ноября 1946 г. Вступила в силу 3 мая 1947 г.

26. *Муқимов З.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2003.

27. Новый Венгерский Конституция 25 апреля 2011 года.

28. *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аёлларнинг ҳуқуқий мақоми // Аёл, оила ва жамият: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. ...

29. *Олиматул-Банот.* Муошарат одоби. – Т.: Меҳнат, 1991.

30. О порядке введения в действие Конституции Туркменистана от 18 мая 1992 г. // Ведомости Меджлиса Туркменистана. – 1992. – № 5. – Ст. 30.

31. *Саидбаев Т. С.* Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М., 1978.

32. Указ Президента Республики Молдова О промульгации Закона «О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Молдова».

33. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция. – Т., 2005.



34. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001.
35. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002.
36. Қуръони карим: ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
Шарқ алломалари асарларида аёл ҳуқуқлари.....	6
Ислон дини ва ислоний қадриятлар: шариат, аёл, оила.....	11
Мустақил Ўзбекистонда оила ва никоҳ муносабатлари.....	26
Аёл ҳуқуқлари: мамлакатимиз ва хорижий давлатлар мисолида.....	30
Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	43
Иловалар.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63

ИНАГАМОВА МАФУРА МУХТАРХОНОВНА

АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ:  
ГЕНЕЗИСИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Ўқув кўлланма

*Мухаррир*            **С.А.Раззаков**  
*Техник муҳаррир*   **Д.Р.Жалилов**

---

Босишга рухсат этилди 19. 12. 2016 й. Нашр-ҳисоб табоғи 3,8  
Адади 20 нусха. Буюртма №    Келишилган нарҳда.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.